

MILLIY TIKLANISH



8 (440) ● 2017 йил 22 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Таҳлил

БЕТАКРОР ШАҲАРСОЗЛИК АНЪАНАЛАРИМИЗ

ЎзМТДП ГУРУҲЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Аждодларимиз барпо этган бетакрор архитектура ёдгорликлари асрлар оша ўз кўрку салобатини сақлаб, авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Улар бугун ҳам юртимизга ўзгача чирой, улувдорлик бахш этиб, боболаримизнинг юксак ақл-заковати, бунёдкорлик салоҳиятидан шохидлик бериб турибди.

Халқимизга хос бунёдкорлик анъаналари мустақиллик йилларида замонавий сайқал топиб, бутунлай янги босқичга кўтарилди. Худудларда кўлаб ноёб замонавий иншоотлар ва турар-жой бинолари, маданий-маиший, таълим масканлари, йўллар ва кўприклар қурилди, майдонлар, хиебонлар, истироҳат боғлари ва бозорлар қайтадан бунёд этилди. Қиёфасида миллий меъморлик анъаналари ва жаҳон архитектурасининг ноҳар йуғқларини ўзаро уйғунлаштирган мухташам кошоналар қад ростлади. Айниқса, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги мавзелар обод шаҳарча қиёфасига кирмоқда.

Бироқ шу билан бирга, худудларда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар, ўз ечимини кутаётган масалалар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам талай. Хусусан, айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари, худудий архитектура ва қурилиш бошқармалари ёки бўлимлари томонидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги туфайли турли объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, объектлар қурилишини шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид равишда амалга ошириш каби ҳолатлар кузатилаётган. Бу эса, ўз навбатида, энг аввало, аҳоли пунктларини замонавий шаҳарсозлик талаблари ва миллий анъаналарга мувофиқ ривожлантиришни таъминлаш, қабул қилинаётган лойиҳа ечимлари сифатини ошириш, шунингдек шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтиришни тақозо этади.

Фракция ҳаёти

ОМБУДСМАННИНГ 2016 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

Шу йилнинг 16 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Йиғилишни фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуратов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У.Муҳаммадиев фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний



Куйи палата мажлисига қадар мазкур масала сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ҳамда кўмиталар йиғилишларида ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти партия электорати манфаатлари ҳимоясидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди.

манфаатларини ҳимоя қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Таъкидланганидек, 2016 йилда давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муно-



сабатлари тизими тубдан янгиланди. Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, марказда ва жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини очнишга доир қабул қилинган қарорлари, хусусан, "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Суа-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучай-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжатлар, энг аввало, давлат ва жамиятнинг жадал ривожланишини таъминлаш, фуқароларнинг муносиб ва фаровон ҳаёти учун шароитлар яратиш, уларнинг шахсий, сиёсий, социал ва иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Ўтган йили Омбудсманга фуқаролардан 9 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Ҳозирга қадар уларнинг аксарияти ҳал этилиб, муайян миқдори назоратга олинган. Мурожаатлар таҳлили аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаолиги юксалиб бораётганини кўрсатмоқда.

Миллий гуруҳ

ЎШ ОЛИМНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ



Яқинда нуфузли RePec (Research Papers in Economics) "Иқтисодиёт фанлари бўйича илмий мақолалар" ташкилоти тузган рейтингнинг илк эликталигидан Осидан уч мамлакат: Япония, Ўзбекистон ва Ҳиндистон вакиллари жой олди.

Мазкур лойиҳани АҚШдаги Федерал резерв банки тадқиқотлар бўлими мувофиқлаштиради ва дунё бўйлаб 50 мингдан ортиқ иқтисодчилар фаолияти кузатиб борилади. RePec мақолаларда келтирилган иқтисодчилар, чоп этилган журнал нуфузи каби тамойилларга асосланиб, турли тоифалар бўйича энг яхши иқтисодчилар рейтингини тузади. Рейтингда асосан дунёга машҳур Гарвард, Йель университетлари, Лондон иқтисод мактаби битирувчилари ва ходимлари пешқадамлик қилади.

Дунёнинг 100 нафар энг кучли ёш иқтисодчилари орасида Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети иқтисод фани ўқитувчиси Рауфхон Салахўжаев 32-ўринда турибди. Биринчи эликталиқда МДҲ давлатларидан эса ягона номзод Ўзбекистондан.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқлангани, унда ижтимоий соҳа, хусусан, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига алоҳида урғу берилгани бугунги кун учун ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Ҳаракатлар стратегиясида таълим тизимининг узлуксизлигини янада такомиллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш энг муҳим вазифалардан этиб белгиланган. Ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш, янги таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш баробарида, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган.

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 14 февралда "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нафақат сурхондарёликлар, балки бутун зилеларимиз, халқимизнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқарди.

ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда давом этмоқда. Мажмуа ёнидаги қабристон ободонлаштирилади, 4,5 километр йўлга асфальт ётқизилди, сув, электр энергияси ва газ тармоқлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мажмуани обод масканга айлантириш, зиёратчиларга қулай шароитлар

КўП ЙИЛЛИК ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Давлатимиз раҳбари шу йил 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий (Имом Термизий) зиёратгоҳида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. 2016 йил октябр ойида ҳам Шавкат Мирзиёев мазкур зиёратгоҳда бўлиб, амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишган, қурувчиларга тегишли кўрсатмалар берган эди. Айни пайтда бунёдкорлик ва

яратиш бўйича таъсирлар берди. "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор эса ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, табобат, илму нуҷум, тилшунослик, ахлоқ ва бошқа кўлаб соҳаларда асарлар яратган, мусулмон оламида буюк муҳаддислардан бири сифатида машҳур бўлган улуғ аждодимизнинг бебаҳо меросини кенг ўрганиш ва тарғиб этишга катта йўл очди.

Ушбу сонда:

ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАН МЕРОС

ЁХУД ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШАМАН ДЕБ
МЕЪЁРНИ УНУТАЁТГАНЛАР

5-бет

"ОРЗУЛАР ТЕАТРИ"

ЁХУД ҲАМ КЎҲНА, ҲАМ ЗАМОНАВИЙ
"ОЛД ТРАФФОРД"

7-бет

ҲУНАРИ БОР — ЭЛДА АЗИЗ

8-бет

